

**“O‘zbekiston MTRK maxsus avtokorxonasi” davlat muassasasiда ўтказилган
умумий мажлис БАЁННОМАСИ № 12-сон**

2025 йил 16 декабрь

Тошкент шаҳри

Иштирок этувчилар: 175 киши

Шу жумладан:

**Мажлис раиси “O‘zbekiston MTRK maxsus
avtokorxonasi” ДМ**

Бош мухандиси

Гараж бошлиғи

Эксплуатация бўлими бошлиғи

Таъмирлаш утахонаси бошлиғи

Касаба уюшма қўмитаси раиси

Юрист

**Инсон ресурсларини бошқариш ва
ривожлантириш мутахассиси**

О. Нуриддинов

Р. Халкасимов

Х.Холбоев

Х.Рузиев

Ф.Салимбеков

Б. Мухаммедов

Г. Қаюмова

Кун тартиби: 1. Коррупцияга қарши курашиш масалаларида ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.

Эшитилди: 1. “O‘zbekiston MTRK maxsus avtokorxonasi” davlat muassasasi бош мухандиси-А.Нуриддинов йиғилганларни кун тартибидаги асосий масала билан таништириб, мажлисни очик деб эълон қилди ҳамда асосий мавзудан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни яъни бугунги кун мавзусига айланиб бораётган коррупция масаласи, коррупцияга йўл қўймаслик, идоравий коррупцияга қарши курашиши бўйича самарали дастурларин амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича амалий чора-тадбирлар тўғрисида гапирди. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка хусусан, коррупцияга йўл қўймаслик, таъмагирлик, порахўрлик каби иллатларга қарши курашиш ва мавзу юзасидан ходимлар ўртасида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, унинг зарурияти, ҳуқуқий демократик жамият сари бораётганлигимиз, ҳар биримиз ҳушёр ва огоҳ

бўлишимиз лозимлиги, лоқайдлик барча иллатларнинг сабабчиси эканлиги хақида катнашчиларга тушунча берди. Ўз навбатида ҳар бир ходимни ушбу иллат балосида эҳтиёт бўлишга чақирди. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга қаратилганлиги, коррупцияга онд ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги ошига корхонадаги барча раҳбар ва ишчи-ходимлар масъул эканини алоҳида таъкидлади.

Автокорхона юристи – Б.Мухаммедов мавзу юзасидан қуйидагиларни айтиб ўтди: “Коррупция – давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкӣ йўсинда ғайриқонуний шахсий наф қўриш мақсадида ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоӣ ҳодисадир. Лекин фақат давлат хизматчилари коррупция фаолиятининг субъектлари ҳисобланади, чунки коррупция муносабатлари юзага келишига сабаб бўладиган қарорлар қабул қилиш ёки ҳаракатлар содир этиш учун ҳокимият ваколатига фақат улар эга бўлади. Коррупцияга қарши кураш мақсадларига фақат жиноят-ҳуқуқӣ воситалар билан эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Айни вақтда бу мақсадларга ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари воситалари билан ҳам эришиш мумкин эмас. Умуман олганда, коррупция ҳодисасига сўзнинг кенг маъносида ёндашадиган бўлсак, бу шунчаки жиноят ёки ҳуқуқбузарлик эмас, балки маънавий бузилиш ҳолатидир, шундай экан, ўйлаймизки, мазкур иллатга қарши курашда нафақат давлат органлари, балки, жамият ва умуман барча фуқароларимиз масъулдирлар.”

Мажлис қарори:

1. “O‘zbekiston MTRK maxsus avtokorxonasi” давлат муассасасида меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар орасида коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган Давлат дастурларига асосан ходимларнинг ҳуқуқӣ онги ва ҳуқуқӣ маданиятини ошириш, мунтазам тушунтириш ишлари олиб бориш.

Мажлис раиси

Баёни тузувчи



А.Нуриддинов

Г. Қаюмова